

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНИТАРИЯ ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**НАВРУЗОВ ЭРНАЗАР БОТИРОВИЧ**

**ПАХТА ЁҒИ ТАРКИБИДАГИ ГОССИПОЛ МИҚДОРНИ  
МЕЪЁРЛАШТИРИШНИ ГИГИЕНИК АСОСЛАШ**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Наврузов Эрназар Ботирович**

Пахта ёғи таркибидаги госсипол микдорини  
меъёрлаштиришни гигиеник асослаш ..... 3

**Наврузов Эрназар Ботирович**

Гигиеническое обоснование нормирования  
госсипола в хлопковом масле ..... 21

**Navruzov Ernazar Botirovich**

Hygienic substantiation of normalization  
of gossipole in cotton oil ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНИТАРИЯ ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**НАВРУЗОВ ЭРНАЗАР БОТИРОВИЧ**

**ПАХТА ЁҒИ ТАРКИБИДАГИ ГОССИПОЛ МИҚДОРНИ  
МЕЪЁРЛАШТИРИШНИ ГИГИЕНИК АСОСЛАШ**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib242 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Худайберганов Анатолий Сагатбаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Пономарева Людмила Александровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Зарединов Дамир Арифович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув бино мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ж. Эрматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ф.И. Саломова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш дунёдаги қатор мамлакатлар сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Овқатланишнинг ҳолати атроф муҳитнинг етакчи омили бўлиб, у инсон саломатлигига, ҳаётининг давомийлигига ва меҳнат қобилиятига катта таъсир кўрсатади. «Кодекс Алиментариус» комиссияси ФАО/БЖССТнинг озиқ-овқат маҳсулотларига белгиланган стандартлар бўйича Қўшма дастурини амалга ошириш билан шуғулланади, мазкур дастурнинг мақсади истеъмолчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилишнинг ҳалол усулларини таъминлашдан иборат<sup>1</sup>. Ўсимлик мойларига бағишланган «CODEX STAN 210-1999» халқаро стандартларини яратишда етакчи ўрин FOSFA (Federation of Oils, Seeds and Fats Associations Ltd) Ассоциациялар Федерациясига тегишли бўлиб, у жаҳон бозорида ўсимлик ёғлари, мойли экинлар ва ёғлар билан боғлиқ бўлган энг йирик ва етакчи орган ҳисобланади<sup>2</sup>. AOCS (American Oil Chem Society)нинг маълумотларига кўра овқатланишда кенг ва мунтазам равишда фойдаланиладиган ёғлар орасида пахта ёғи бошқа ёғларнинг сифатини баҳолаш учун қўлланиладиган «эталон» ёғлардан бири саналади<sup>3</sup>. Пахта ёғи Ўзбекистонда ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида энг оммалашган ўсимлик ёғидир. Бу миллий менталитет билан ҳамда ҳудудларда хом ашёнинг катта миқдорда мавжудлиги билан шартланган. Пахта ёғининг муҳим таркибий қисми госсиполлар, яъни пахта чигитида мавжуд бўлган фенолсимон моддалар ҳисобланади; тозаланмаган пахта ёғи таркибида улар катта миқдорда мавжуд бўлиши мумкин. Госсипол заҳарлилик хусусиятига эга бўлиб, инсон организмида қатор салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Жаҳонда пахта ёғи таркибидаги госсипол миқдорини меъёрлаштиришни гигиеник асослашга қаратилган чора-тадбирларнинг юқори самардорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, аҳолининг пахта ёғини истеъмол қилишини ўртача кунлик даражаси ва сифатини асослаш; госсиполнинг миқдори ва заҳарлилик даражасини исботлаш; госсиполнинг физиологик, клиник, биокимёвий, морфологик ва бошқа кўрсаткичларининг таъсир механизминини ишлаб чиқиш; госсиполнинг тажриба ҳайвонларнинг репродуктив фаолиятига, сенсibiliзацияловчи ва мутаген хоссаларига махсус таъсирини асослаш; пахта ёғида госсипол миқдорининг гигиеник регламентларини ишлаб чиқиш, госсиполни гигиеник меъёрлаштириш ва пахта ёғини истеъмолини таъминлашга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш алоҳида касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни сифатли ташкил этиш борасида кенг камровли дастурий тадбирлар амалга ошириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга эътибор кучайтирилмоқда. Аҳолининг кунлик овқатланиш

<sup>1</sup>[www.icc-iso.ru/upload/information\\_system\\_27/6/0/9/item\\_609/Standarti\\_Codex\\_Alimentarius\\_spisok.pdf](http://www.icc-iso.ru/upload/information_system_27/6/0/9/item_609/Standarti_Codex_Alimentarius_spisok.pdf)

<sup>2</sup>[www.pastrade.com/contracts/fosfa-en/cif-fosfa-54-vegetable-and-marine-oil-in-bulk/44-contracts/fosfa-en.html](http://www.pastrade.com/contracts/fosfa-en/cif-fosfa-54-vegetable-and-marine-oil-in-bulk/44-contracts/fosfa-en.html)

<sup>3</sup>[www.clicktgi.net/FludorBenin/Product-Range/Cotton-Seed-Oil](http://www.clicktgi.net/FludorBenin/Product-Range/Cotton-Seed-Oil)

рационда юқори биологик қийматга эга маҳсулотлар, шунингдек, ўсимлик ёғининг минимал ва максимал миқдорлари ҳамда пахта ёғи таркибидаги госсиполнинг зарарсиз регламентацион даражаси аниқлаш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» га мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда муҳим вазифалар «...соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва касалликларни, жумладан нотўрғи овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликларнинг олдини олиш орқали аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, касалланиш кўрсаткичларининг пасайтирилишини таъминлаш ва инсонлар умрини узайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ...»<sup>4</sup> муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йилдаги «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги», 2015 йилдаги «Аҳолининг санитар-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонунлари, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси», Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида» ги 102-сон, 2008 йил 04 сентябрдаги «Ишлаб чиқарилаётган пахта ёғининг сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 200-сон, 2015 йил 29 августдаги «2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар Комплексини тасдиқлаш тўғрисида» 251-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, хорижда ва республикамизда илгари пахта ёғи ва госсипол моддасига оид тадқиқотлар ўтказилган ва ўтказилмоқда. Хорижий олимлар (Daniel D.R., 2003; Tompkins C., Perkins E.G., 1999; Xu X.Q. et al., 1999) нинг илмий тадқиқотлари пахта ёғининг кимёвий ва физик хоссаларини яхшилаш муаммоларига бағишланган. Пахта ёғининг таъм хусусиятларини пахта чигитини турлича қайта ишлаш усулларини қўллаган ҳолда яхшилашга қаратилган илмий ишлар мавжуд (Salunkhe et al., 2002). Уларда турли ўсимлик мойларининг озуқавий қиймати, сақлаш муддатлари ва шарт-шароитлари (Frega N. et al., 2009), пахта ёғининг саломатлик ҳолати ва организмнинг репродуктивлик хусусиятига таъсири (Geoffrey M.H., Waites G., 2006; Inaam Noori Ali et al., 2010; Mankarpure V.A., 2000; Mapel S.L., 2004; Rinchar J. et al., 2003), пахта ёғидаги полифенолли бирикма - госсипол билан

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

шуғулланган хорижлик олимларнинг тадқиқотлари унинг заҳарли таъсирига қаратилган (Dabrowski K. et al., 2002; Hassan M.E. et al., 2004; Lordelo M.M. et al., 2005; Puckhaber L.S. et al., 2002; Stipanovic R.D. et al., 2005). Госсипол берилган ҳайвонларда олиб борилган тадқиқотларда организмда ўзгаришлар, яъни перикард ва плевра бўшлиғида суюқликнинг тўпланиши, ўпканинг шишиши ва лимфа тугунларининг катталашиси, жигар, талок ва миокардда ўзгаришлар қайд этилган (Alexander J. et al., 2008; Blom J.H. et al., 2003; Lordelo M.M. et al., 2005; Santos J.E. et al., 2003). Хорижий мамлакатларнинг айрим муаллифларнинг ишлари пахта ёғидаги госсипол микдорини камайтириш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган (Rathore K.S., 2007; Romano G.B., Scheffler J.A., 2008; Sunilkumar G. et al., 2006). Қатор илмий манбалар госсиполнинг доривор самарасини ўрганишга бағишланган бўлиб, баъзи муаллифларнинг маълумотларига кўра госсипол ўсимталарга қарши фаолликка, гипополидемик таъсирга, вирус ва микробларга қарши ҳамда антиоксидантлик хусусиятларига эга бўлиб, организмнинг репродуктив фаолиятига таъсири Шарқ мамлакатларида хавфсиз, самарали ва арзон контрацептив восита сифатида тавсия этилган (Amini A., Kamkar F., 2005; Farrag A.K. et al., 2007; Rinchar J. et al., 2003; Santos, J.E. et al., 2003; Sunilkumar G., 2006; Stipanovic, R.D. et al., 2006). МДХ мамлакатларининг олимлари пахта ёғининг физик-кимёвий хоссаларини, госсиполни ишлаб чиқиш ва унинг саломатлик ҳолатига таъсирини ўрганишган (Круппа И.С. ва бошқ., 2014; Надиров К.С., 2014; Ушанская Е.Ю. ва бошқ., 2014).

XX асрнинг 70-90-йилларда Бабаходжаев Н.К., Вахабова Д.З., Глушенкова А.И., Заиров М., Зайниев М.Ф., Исмаилов М.Н., Махкамов Х.М., Назарова И.П., Попова Н.Г., Н.И.Хамидов каби етакчи ўзбек олимлари илмий тадқиқотлари пахта ёғининг озуқавий ва биологик қиймати, сифати ва сақлаш муддатлари, эркин госсиполининг ёғдаги микдори ва йўқотиш тартибига қаратилган. 2000-йилларда ушбу йўналишдаги тадқиқотлар Ўзбекистонлик олимлар томонидан ўтказилган ва ўтказилмоқда (Абдурахимов А.А ва бошқ., 2012; Байкулов О.А., Худайберганов А.С., 2001; Ерқариев А.Ж., 2012; Зияев Х.Л., 2009; Ильясов А.Т., Серкаев К.П., 2001; Йулчиев А.Б., 2015; Мажидова Н.К., 2016; Нуриддинов Б.С. ва бошқ., 2011; Рахимов М.Н., 2015; Сагдуллаева Д.С., 2011; Сулайманова Г.Х., 2015; Хаитбаев А.Х., 2015). Мамлакатимиздаги илмий нашрларда госсиполининг ҳосилаларини доривор воситалар сифатида қўллаш бўйича маълумотлар етарлидир. Ўтган асрнинг 80-йилларида А.С.Садыков ва Т.С.Захидовлар томонидан госсиполда сперматоцидлик хоссаларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Бир қатор олимлар госсиполнинг таркибида азот мавжуд бўлган госсипол ҳосилаларининг биологик фаоллигини тадқиқ этишган ҳамда улар асосида доривор препаратларни яратиш, шунингдек госсиполнинг ўсимталарга қарши фаоллиги, антиоксидантлик хусусиятлари, замбуруғларга, радикалларга ва вирусларга қарши ҳамда мембраналар фаоллигини ошириш борасида маълумотлар келтирилган (Барам Н.И. ва бошқ., 2005; Зияев Х.Л., 2009; Режепов К.Ж. ва бошқ., 2010; Тилябаев К.З. ва бошқ., 2009; Тукфатуллина И.И. ва бошқ., 2008). Айни вақтда ўзбек олимлари госсипол жигарнинг оксил ҳосил қилиш фаолиятининг

бузилишини ва кўпгина органларда оксил алмашинувининг бузилишини келтириб чиқаришига бағишланган ишлари мавжуддир (Барам Н.И. ва бошқ., 2000; Тилябаев К.З. ва бошқ., 2008; Хаитбаев А.Х., 2014).

Аммо, республикамизда ҳам, хорижда ҳам госсиполни гигиеник регламентлашни асослаб беришга оид ишлар ўтказилмаган, бу ҳолат пахта ёғида госсипол миқдорини меъёрлаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг АДСС 15.17.4 «Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини баҳолаш учун зарур бўлган инсон организми ички муҳитининг турлича табиатли озиқ-овқат контаминантлари билан ифлослашининг биомаркерлар тизимини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йиллар) амалий грант лойиҳаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мамлакатимиз аҳолисининг овқатланишида пахта ёғининг аҳамияти ҳамда пахта ёғидаги эркин госсиполнинг организмга заҳарли таъсирини гигиеник баҳолаш ва миқдорини меъёрлаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли ҳудудлардаги аҳоли томонидан пахта ёғининг ўртача кунлик истеъмоли даражасини ўрганиш (Тошкент ш., Қорақолпоғистон Республикаси, Тошкент ва Хоразм вилоятлари) ҳамда анъанавий технологиялар бўйича олинган пахта ёғининг сифатини баҳолаш;

госсиполнинг ўткир заҳарлилик хусусиятини ўрганиш ва уни тажриба ҳайвонлар (оқ сичқон, оқ каламушлар ва қуёнлар) нинг ошқозон ичига киритишда таъсир кўрсатиш механизминини аниқлаш;

ўткир тажрибаларда госсиполининг физиологик, клиник, биокимёвий ва морфологик кўрсаткичлар ҳолати бўйича заҳарли, бўсағавий ва таъсир кўрсатмайдиган максимал миқдорини аниқлаш;

сурункали равишда таъсир ўтказилганда 2 та турдаги тажриба ҳайвонлар (оқ каламуш ва қуёнлар) да физиологик кўрсаткичлар ҳолати бўйича таъсир механизминини аниқлаш;

госсиполнинг ўзига хос таъсирини: эркак оқ каламушларда ўтказилган тажрибада сперматозоидларнинг функционал ҳолатига ва сперматогенезга таъсири; урғочи оқ каламушларда ўтказилган тажрибада эстрал цикли миқдорий-функционал баҳолаш; ўткир заҳарланиш чоғида эмбриогенезнинг кўрсаткичларига таъсири; тажриба ҳайвонларнинг репродуктив фаолиятига, сенсibiliзацияловчи ва мутаген хоссаларига кўрсатадиган сурункали таъсирини ўрганиш;

пахта ёғидаги госсиполнинг миқдорига гигиеник регламентларни ишлаб чиқиш;

пахта ёғидан озуқа мақсадида фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва унинг истеъмолини меъёрлаштириш.



**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасидаги қатор ҳудудларнинг аҳолиси, шунингдек пахта чигитидан анъанавий технология бўйича олинаётган ва Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқилган пахта ёғи, эркин госсипол ва тажриба ҳайвонлар.

**Тадқиқотнинг предмети** пахта ёғининг аҳоли истеъмол қиладиган ўртача кунлик миқдори; госсипол захарли таъсирининг физиологик, клиник, биокимёвий ва морфологик кўрсаткичлари; госсиполнинг репродуктив фаолиятига, сенсibiliзациялаш, мутаген ва кумулятив хусусиятларига ўзига хос таъсири; пахта ёғидаги эркин госсипол миқдорини токсиколого-гигиеник меъёрлаштиришдир.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда анкета сўровнома, гигиеник, токсикологик, физиологик, биокимёвий, морфологик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

организмнинг орган ва тизимларининг фаолиятини, оксиллар, ёғ ва карбонсувлар алмашувини бошқариш ва фаолиятини оширишга қаратилган овқат биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш ва меъёрлаштиришга қўйилган санитар-гигиеник меъёр қоидалар ишлаб чиқилган;

аҳолини соғлом ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уларнинг таркибидаги овқат қўшимчаларни меъёрлаштириш ва хавфсизлигини таъминлашга қўйилган санитар-гигиеник қоида ва меъёрлар ишлаб чиқилган;

турли хил тажриба ҳайвонлари учун госсиполнинг захарли хусусиятларининг меъёри миқдори, госсиполнинг захарли таъсир кўрсатиш механизми унинг захарлилик ва ўзига хос таъсири даражасининг параметри исботланган;

госсиполнинг қолдиқ миқдори пахта ёғи хавфсизлик мезонларининг гигиеник меъёрлари жумласига киритишнинг зарурлиги тиббий-биологик жиҳатдан исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пахта ёғининг хавфсизлигини таъминлашга бўлган гигиеник талаблар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

пахта ёғида госсиполнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган қолдиқ миқдори даражаси аниқланган;

республика аҳолиси томонидан пахта ёғини истеъмол қилишнинг ўртача кунлик физиологик меъёрлари аниқланган;

асосий ижтимоий-демографик гуруҳлар ва бутун аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг энг кам тўплами ва меъёрлари аниқланган (ЎЗР Иқтисодиёт вазирлигининг 19.06.2015 йилдаги СГ-5-2/6-1100-сонли қарорига 2-илова);

озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига, овқатга биологик фаол қўшимчаларни ва озучавий қўшимчаларни ишлаб чиқаришга ҳамда уларнинг оборотида гигиеник талаблар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, етарли даражада маҳсулот ва тажриба ҳайвонларининг сони етарли эканлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири

иккинчисини тўлдирадиган гигиеник, токсикологик, клиник, биокимёвий, морфологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг илмий тадқиқотлари билан қиёсий таҳлил қилинганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти госсиполнинг тажриба ҳайвонлар организмнинг турли органларига ва функционал тизимларига таъсири патогенетик механизмларнинг айрим жиҳатларини аниқлаш билан шартланган. Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, Ўзбекистон Республикасининг 4 та Санитария қоидалари ва меъёрлари, гигиеник меъёрлар (СанҚваМ) ва услубий тавсиялар кўринишидаги меъёрий-услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар республика аҳолисининг овқатланиш сифатини яхшилашни таъминлаган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларининг, шу жумладан пахта ёғининг сифати ва хавфсизлиги талабларига риоя қилиш бўйича назоратни амалга оширувчи давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилот ва бирлашмалар ҳамда мансабдор шахсларнинг амалий фаолиятида фойдаланиш имконини берган. Ишлаб чиқилган меъёрий-услубий ҳужжатлардан овқатланиш гигиенаси бўйича мутахассисларни касбга тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахта ёғи таркибидаги госсипол миқдорини меъёрлаштиришни гигиеник асослаш бўйича олинган илмий натижалар:

организмнинг орган ва тизимларининг фаолиятини, шунингдек карбонсувлар, ёғлари ва оксиллар алмашувининг бошқариш ва фаолиятини оширишга қаратилган тиббий биологик фаол моддалар билан таъминлашни назорат қилишга қаратилган «Овқатга биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш ва меъёрлаштиришга қўйилган гигиеник талаблар» (0258-08-сонли СанҚваМ) тасдиқланган. Мазкур қонуний ҳужжат аҳолининг саломатлигида салбий ўзгаришларни келтириб чиқармайдиган биологик фаол овқат қўшимчаларини ишлаб чиқиш, истеъмол миқдори, сақлаш ва тарқатиш талаблари бўйича санитария меъёр ва қоидаларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

аҳолининг соғлом ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уларнинг таркибидаги овқат қўшимчаларни меъёрлаштириш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига қўйилган гигиеник талаблар» таркибида (0283-10-сонли СанҚваМ) тасдиқланган. Мазкур таклифлар озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида мавжуд бўлган микотоксинлар, замбуруғлар, оғир металл тузлари ва витаминларнинг истеъмолга яроқлилик миқдори, сақлаш ва тарқатиш талаблари бўйича санитария меъёр ва қоидаларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

аҳолининг турли қатламлари орасида ташқи муҳит салбий омиллар таъсирини камайтириш ва касалликлар олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар «Овқат қўшимчаларини ишлаб чиқариш ва меъёрлаштиришга қўйилган гигиеник талаблар» (0296-11-сонли СанҚваМ) тасдиқланган.

Мазкур таклифлар пахта мойини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган технологик қўшимчалар меъёрларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

пахта ёғининг хавфсизлиги белгиланган гигиеник талаблар уни тозалаш, нейтраллаштириш, ҳидсизлантириш жараёнида унинг сифатини яхшилаш ва бузилишининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган «Пахта ёғининг хавфсизлигини таъминлашга бўлган гигиеник талаблар» услубий қўлланмаси соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 4 октябрдаги 8н-д/30-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўллама пахта ёғи таркибида госсиполнинг 0,1 мг/кг даражада илмий асосланган йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдорини таъминлашга хизмат қилган;

пахта ёғи таркибидаги госсипол миқдорини меъёрлаштиришни гигиеник асослаш бўйича олинган илмий натижалар республика Давлат санитария эпидемиология назорати марказлари, «Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг компанияси корхоналарининг, «Ёғ таҳлил сервис» МЧЖнинг иш фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 6 декабрдаги 8н-з/47-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигига гигиеник талаблар бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, пахта ёғининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилишни яхшилаш, аҳоли орасида алиментар касалликлар ривожланишининг таҳликасини пасайтириш, соғлом овқатланиш масалалари бўйича гигиеник билимлари даражасини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) даражаси диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларини илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш муаммолари**» деб номланган биринчи бобида овқатланиш муаммоларининг ижтимоий аҳамияти, аҳолининг овқатланишида мой ва ёғларнинг аҳамияти ва уларнинг истеъмолини меъёрлаштириш жиҳатлари тўғрисида, ҳар хил шароитларда ишлаб чиқарилган пахта ёғининг озуқавий ва биологик қиммати тўғрисидаги илмий асарларнинг маълумотлари келтирилган, ҳамда госсиполнинг тиббий амалиётда қўлланишига ва унинг заҳарлилигининг айрим жиҳатларига бағишланган илмий ишларнинг маълумотлари баён этилган.

Диссертациянинг «**Пахта ёғининг овқатланишдаги аҳамиятини баҳолаш, госсиполнинг организмга заҳарли таъсири, уни меъёрлаштириш ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларнинг объекти, ҳажми ва усуллари келтирилган. Овқатланишга оид одатларнинг ўзига хос хусусиятларини, мой ва ёғларни истеъмол қилишнинг таркиби ва ҳажмини аниқлаш учун республикамизнинг Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистонда, Тошкент ва Хоразм вилоятлари шароитида истиқомат қилувчи катта ёшли аҳоли (18 ёшдан 64 ёшгача) нинг овқатланиш рационлари махсус ишлаб чиқилган анкета бўйича сўров-интервью усули билан ҳамда мой ва ёғларнинг кимёвий таркиби, озуқавий ва биологик қимматини Бурштейн методи (Киев, 1963) бўйича ҳисоблаш йўли билан ўрганиб чиқилди. Тадқиқотнинг мақсадли гуруҳи 598 кишидан иборат бўлиб, улар жинси (346 нафар аёл ва 252 нафар эркак) ва яшаш жойига (4 та шаҳар ва 6 та қишлоқ туманлари) кўра гуруҳларга бўлинган.

Тадқиқот объектлари республикамизнинг 8 та корхонасида 2015 йил ҳосилининг чигитидан олинган пахта ёғива эркин госсипол. Ёғдан синалмани танлаш Давлат стандарти 5471-83 бўйича ўтказилган. Пахта ёғидаги эркин госсипол миқдорини аниқлаш услубий кўрсатмаларга мувофиқ ҳолда ўтказилган (Тошкент, 2008).

Тажриба ҳайвонларнинг организмига ошқозон ичидаги таъсири шароитида госсиполнинг ўткир заҳарлилик параметрларини аниқлаш учун қуйидаги миқдорлар ўрганилган: оқ сичқон учун 200, 400, 600, 800 ва 1000 мг/кг; оқ каламушлар учун 2000, 2500, 3000, 3500 ва 4000 мг/кг, қуёнлар учун 940, 1400, 2100, 3200 ва 4700 мг/кг тана массасига нисбатан. Госсиполнинг ўртача ўлим миқдори ( $LD_{50}$ ) ни аниқлаш мақсадида оқ сичқон ва оқ каламушларда ўтказилган тажрибаларнинг натижаларига В.Б.Прозоровский бўйича пробит-таҳлил усули билан статистик ишлов берилган (Москва, 1962). Қуёнлар учун ўткир токсикометрия параметрлари Дейхман ва Лебланк усуллари билан аниқланган. Ўткир тажрибада госсиполнинг заҳарли, бўсағавий ва максималтаъсир кўрсатмайдиган миқдорларини аниқлаш учун ҳайвонларнинг тажрибавий гуруҳлари госсиполни қуйидаги миқдорларда олганлар: 1-гуруҳ 1000 мг/кг, 2-гуруҳ 100 мг/кг, 3-гуруҳ 10 мг/кг тирик вазнига нисбатан.

Госсиполнинг кумулятив хоссаларини аниқлаш учун И.М.Трахтенбергнинг ҳаммуаллифликдаги «субхроник заҳарлилик» усули (Рига, 1987) дан фойдаланилган. Госсипол ошқозон ичига дастлаб  $LD_{50}$  дан 1/20 миқдорда ва кейинчалик ҳар ҳафтада 1,5 баробар кўпайтириб борган ҳолда киритилган. Госсиполнинг аллергик самарасини аниқлаш услубий кўрсатмаларни ҳисобга

олган ҳолда бажарилган (Тошкент, 1998). Госсиполнинг сенсбилизация-ловчи таъсири денгиз чўчкаларида бир неча босқичда аллергодиагностика усулларидадан фойдаланган ҳолда ўрганилди. Хўжайра иммунитетининг ҳолати лейкоцитларнинг махсус агрегацияси реакцияси (ЛМАР) ва лейкоцитларнинг махсус лизиси реакцияси (ЛМЛР) бўйича Л.А.Дуеванинг модификациясида аниқланди; гуморал компонентнинг мавжудлиги тўғрисида хулоса С.Г.Барлогова бўйича пассив гемаглюцинация реакциясининг (ПГАР) натижаларига кўра чиқарилди (Москва, 2005).

Госсиполнинг сурункали таъсирини ўрганишда ҳайвонларнинг ошқозон ичига ҳафтада 6 марта госсипол суспензиясини 0,1 мг/кг (1-гурух), 0,01 мг/кг (2-гурух) ва 0,001 мг/кг (3-гурух) тана вазнига нисбатан миқдорда киритилган.

Қоннинг кенгайтирилган таҳлили бўйича гемоглобин, эритроцит ва лейкоцитларнинг миқдори ўрганилди. Метгемоглобиннинг миқдори И.Ф.Боярчук ва В.А.Лутованинг усули бўйича аниқланди (Москва, 1966). Тажриба ҳайвонлар организмнинг антиоксидоз ҳимоя (ОАХ) ферментларининг фаоллиги тўғрисида хулоса А.А.Покровский усулидан фойдаланган ҳолда каталаза ва супероксиддисмутаза (СОД) фаоллигининг ҳолати бўйича чиқарилди (Москва, 1969). Госсипол билан заҳарланишнинг цитологик аломатлари тўғрисида хулоса ишқорли фосфатаза (ИФ), аспартатаминотрансфераза (АСТ) ва аланинаминотрансфераза (АЛТ) ферментларининг фаоллиги кўрсаткичлари бўйича чиқарилди, улар тест синовлари тўплами ёрдамида аниқланди. Қон зардобидида липидларнинг пероксидланиши (ЛПО) жараёнларининг интенсивлиги малон диальдегиди (МДА), триен (ТК) ва диен (ДК) конъюгатларнинг миқдорига кўра Л.И.Андрееванинг усули билан (Москва, 1988), ТК ва ДК эса - В.Б.Гаврилова ва М.М.Мишкоруднаяларнинг усули бўйича баҳоланган (Москва, 1983). Ҳайвонлар организмда липид алмашинувининг ҳолати умумий липиднинг миқдори бўйича баҳоланди, липидлар биотест (Lachema, BRNO) ёрдамида ва холестерин даражаси бўйича аниқланди. Холестерин даражаси қон зардобидида Либерман-Бурхарднинг реакциясига асосланган Илька усули билан баҳоланди. Микросомаларда оксилнинг биосинтез жараёнларининг ҳолати жигар гемогенатининг чўкмаусти фракциясидаги микросомал оксил, цитохром P450 ва цитохром b5 нинг миқдори бўйича тавсифланди (Арчаков А.И., Андрианов Н.З., 1990).

Госсиполнинг гепототоксик самараси тўғрисида хулоса А.А.Покровский услубияти бўйича гексенал уйқунинг ҳолати ҳамда қонда умумий ва бевосита билирубин миқдорига кўра чиқарилди (Москва, 1969). Асаб тизимининг функционал ҳолати Е.Н.Буркацкаянинг ҳам муаллифликдаги усули бўйича «норка рефлекси» нинг ҳолатига кўра баҳоланди (Москва, 1980).

Уруғдонларнинг функциясини тадқиқ этиш учун оқ каламушларнинг эпидидимис қисмидан олинган субстрактни микроскопик ўрганиш амалга оширилди. Эстрал цикл вагинал суртмалар усули ёрдамида ўрганилди (Вихляева Е.М., 2002; Волкова О.В. ва бошқ., 1996). Госсиполнинг мутагентаъсири хромосома абберацияларини аниқлашнинг умумқабул қилинган усулда ўтказилди. Моддаларнинг цитогенетик самарасини ўрганиш учун заҳарланган ҳайвонларнинг суяк илиги хужайраларининг хромосомаларини тадқиқ этиш усулидан фойдаланилди.

Диссертация ишини бажаришда 4 та турдаги 462 та лаборатория ҳайвонлари сарфланган: оқ сичқонлар - 60 та, оқ каламушлар - 338 та, қуёнлар - 40 та ва денгиз чўчқалари - 24 та. Умумий ҳолда 8 мингдан ортик таҳлил ўтказилган.

Тадқиқот маълумотларига статистик ишлов беришда вариацион статистика усулларида ўртача арифметик ( $M$ ), ўртача квадратик тафовут ( $\pm\sigma$ ), ўртачаинг стандарт хатоси ( $\pm m$ ) ва нисбий миқдорларни (частота, %) ҳисоблаб чиқиш билан биргаликда фойдаланилди. Ўртача миқдорларни таққослашда олинган ўзгаришларнинг статистик аҳамияти Стьюдент ( $t$ ) мезони бўйича хато эҳтимоли ( $P$ ) ни ҳисоблаш орқали аниқланган. Статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгаришлар сифатида  $P < 0,05$  ишончлилик даражаси қабул қилинган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган пахта ёғидан фойдаланишнинг гигиеник жиҳатлари» деб номланган учинчи бобда пахта чигитидан анъанавий технология бўйича олинган тозаланган, ҳидсизлантирилган пахта ёғининг биз ўрганган 11 намунасининг сифатини тавсифловчи физик-кимёвий кўрсаткичлари (ранги ва шаффофлиги, намнинг оғирлик улуши, ёғсиз қўшимчаларнинг, учувчан ва ювилмайдиган моддалар, кислотали ва перекисли сонлар, оксил, захарли моддалар ва радионуклидларнинг миқдори) таърифланган. Олинган натижалар «Ўзстандарт» Агентлиги лаборатория тадқиқотларининг маълумотларига мос эканлиги аниқланган. Анкетали сўров натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг текширув ўтказилган ҳудудларда яшовчи аҳолиси ўртасида умумий ёғларнинг ўртача кунлик истеъмоли миқдори жинсий белги бўйича фарқ қилмаган, аммо йил мавсумига боғлиқ бўлган ҳамда йилнинг қиш-баҳор ва ёз-куз даврларида мос ҳолда 71,9 ва 75,1 г ни, жумладан ўсимлик мойлари истеъмоли 56,1 ва 56,9 г ни ташкил қилган (1-жадвал). Умумий ёғлар ҳисобидан ўртача кунлик рационлар энергетик сифимнинг рационал овқатланиш тамойилига мос келмаслиги аниқланган, бу тафовут 21,9 дан 23,9% гача бўлган, иссиқ иқлимли мамлакатлар аҳолиси учун энергетик сифимнинг тавсия қилинадиган меъёри эса 30-31% га тенг. Республикаимизнинг тадқиқ этилган барча ҳудудларида ёғ ва мойлар ҳисобидан энг паст энергетик сифим йилнинг қиш-баҳор мавсумларига тўғри келиши аниқланган. Йилнинг ёз-куз даврларида аҳолининг умумий ёғларни нисбатан кўпроқ истеъмол қилиши бизнинг фикримизча, кўпчилик оилаларнинг йилнинг мазкур даврида иқтисодий аҳоли бир мунча яхшироқлиги ва паст калорияли маҳсулотлар-сабзавот ва меваларнинг истеъмол қилиш ҳисобидан озиқ-овқатларнинг хилма-хиллиги яхшиланиши билан боғлиқдир. 1-жадвал маълумотлари пахта ёғини истеъмол қилиш борасида овқатланишнинг ўрнашиб қолган стереотипи мавжудлигидан далолат беради.

Республикаимизнинг текширилган барча аҳолисининг ўртача кунлик рационда истеъмол қилинадиган ўсимлик мойлари орасида пахта ёғининг салмоғи 92,5% гача, қишлоқда яшовчиларники эса 98,6% гача бўлган.

**1-жадвал**

Йил мавсумлари ва тадқиқ этилаётган вилоятлар бўйича текширилаётган шахсларнинг ўртача кунлик мой ва ёғ истеъмоли, энергетик қуввати (ўрта ҳисобда оиланинг 1 та катта аъзосига тўғри келадиган кўрсаткичлар),  $M \pm m$

Йил мавсумлари	Тошкент шаҳри		Тошкент вилояти		Хоразм вилояти		Қорақалпоғистон Республикаси	
	M	$\pm m$	M	$\pm m$	M	$\pm m$	M	$\pm m$
энергетик қиммати, ккал								
Қиш-баҳор	2860	22,0	2920	21,0	2894	21,8	2742	23,2
Ёз-куз	2890	24,0	2980	22,9	2920	23,1	2886	24,9
умумий ёғлар, г								
Қиш-баҳор	72,0	0,5	71,3	0,6	74,2	0,7	69,9	0,7
Ёз-куз	76,8	0,6	73,8	0,7	76,8	0,5	72,8	0,5
умумий ёғлар ҳисобидан % да								
Қиш-баҳор	22,6	4,1	21,9	5,2	23,0	5,9	22,9	5,8
Ёз-куз	23,9	4,7	22,2	5,9	23,6	3,8	22,7	4,8
ўсимлик мойлари, г								
Қиш-баҳор	55,6	0,4	54,9	0,6	57,3	0,5	56,6	0,6
Ёз-куз	57,8	0,5	55,4	0,4	56,9	0,6	57,6	0,5
шу жумладан:								
пахта ёғи, г								
Қиш-баҳор	41,0	0,8	47,2	0,7	48,6	0,6	52,4	0,8
Ёз-куз	42,8	0,7	48,6	0,5	49,2	0,4	53,2	0,5
ўсимлик мойлари ҳажмида пахта ёғи истеъмолининг улуши, %								
Қиш-баҳор	73,7		85,9		84,8		92,5	
Ёз-куз	74,0		85,4		86,4		92,3	
шаҳар аҳолиси орасида ўсимлик мойлари ҳажмида пахта ёғи истеъмоли, %								
Қиш-баҳор	73,7		72,2		22,4		14,4	
Ёз-куз	73,7		75,8		24,2		16,1	
қишлоқ аҳолиси орасида ўсимлик мойлари ҳажмида пахта ёғи истеъмоли, %								
Қиш-баҳор	-		91,4		96,6		98,6	
Ёз-куз	-		93,4		97,4		97,3	
кунгабоқар ёғи, г								
Қиш-баҳор	4,9	0,3	2,0	0,2	1,6	0,3	0,8	0,2
Ёз-куз	5,0	0,2	2,1	0,3	2,9	0,2	0,9	0,3
кунжут ёғи, г								
Қиш-баҳор	2,6	0,03	0,8	0,03	0,6	0,03	-	-
Ёз-куз	1,9	0,02	0,9	0,02	0,7	0,04	-	-
зайтун ёғи, г								
Қиш-баҳор	1,8	0,03	-	-	-	-	-	-
Ёз-куз	2,9	0,02	-	-	-	-	-	-
бошқа ўсимлик мойлари (озик-овқат маҳсулотларида табиий ҳолда мавжуд бўлган ёғлар ҳисобидан), г								
Қиш-баҳор	5,3	0,1	4,9	0,2	3,4	0,1	3,4	0,3
Ёз-куз	5,2	0,1	3,8	0,1	4,1	0,2	3,5	0,2
хайвон ёғлари (сариеғ, мол ва қўй ёғи, ёғларнинг бошқа турлари, жумладан денгиз маҳсулотлари ва балиқ мойи), г								
Қиш-баҳор	16,4	0,9	16,4	0,7	16,9	0,6	13,3	0,4
Ёз-куз	19,0	0,8	18,4	0,8	19,9	0,7	15,2	0,8

Кўп йиллик динамика ҳозирги аҳоли томонидан умумий ёғ миқдорининг ўртача кунлик истеъмоли 1958 йилга нисбатан 1,4 баробар (73,5 га қарши 54,2 г), шу жумладан ўсимлик мойлариники - 4,5 баробарга (56,5 га қарши 12,5 г) ошганидан далолат берадики, буни Ўзбекистон аҳолисининг овқатланиш рационларидаги ижобий силжишлар сифатида баҳолаш мумкин.

Диссертациянинг «Госсиполнинг лаборатория ҳайвонлари учун заҳарлилик параметрларини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида ўткир, ўткирости ва сурункали тажриба шароитларида ўтказилган токсикологик тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Лаборатория ҳайвонларининг организмда госсиполни бир маротаба киритиш натижасида оқ сичқонлар учун 200 мг/кг даражада максимал дош берадиган миқдор, 1000 мг/кг - мутлоқ ўлим миқдор ва 660 мг/кг – ўртача ўлим миқдор (ЛД<sub>50</sub>) деб белгиланди; оқ каламушлар учун бу миқдорлар мос равишда 2000, 4000 ва 2730 мг/кг, шуниндек қуёнлар учун ЛД<sub>50</sub> 2650 мг/кг ни ташкил этди.

Оқ каламушларга госсиполни ўткир ҳолда ошқозон ичига 1000 мг/кг тана вазнига нисбатан киритилганда 2 соат ўтиши биланоқ ҳайвонларда ишончли тарзда ( $P < 0,05-0,001$ ) гемоглобин ( $139 \pm 3,2$  дан  $112 \pm 4,5$  г/л гача), эритроцитлар ( $4,97 \pm 0,04$  дан  $4,58 \pm 0,06$  г/л гача), каталазининг фаоллиги ( $21,1 \pm 0,99$  дан  $14,7 \pm 0,82$  мкат/л гача), СОД ( $19,2 \pm 1,0$  дан  $15,56 \pm 0,43$  ШБ гача) пасайиши ва ИФнинг ( $0,52 \pm 0,03$  дан  $0,70 \pm 0,03$  ммоль/л.с гача), АСТнинг фаоллиги ( $0,37 \pm 0,02$  дан  $0,72 \pm 0,04$  ммоль/л.с гача), МДА ( $0,87 \pm 0,16$  дан  $15,4 \pm 0,5$  нмоль/л гача), ДК ( $1,15 \pm 0,02$  дан  $1,52 \pm 0,15$  Е/мл гача) ва холестерин ( $41,1 \pm 0,33$  дан  $46,7 \pm 0,54$  мг% гача) ошган. Шунингдек, 24 соатдан кейиноқ каламушларнинг 1-гурухида лейкоцитлар даражасининг пасайиши ( $8,18 \pm 0,33$  дан  $6,98 \pm 0,18$  т/л гача), метгемоглобин даражасининг ( $3,8 \pm 0,54$  дан  $11,0 \pm 0,65\%$  гача), ТК ( $0,39 \pm 0,02$  дан  $0,56 \pm 0,04$  га Е/мл гача) ва АЛТ фаоллиги ( $0,24 \pm 0,03$  дан  $0,4 \pm 0,02$  ммоль/л.с.гача) ошганлиги кузатилди. Гемоглобиннинг энг паст даражаси ва метгемоглобиннинг юқори миқдори 1-гурухдаги оқ каламушларда тажриба бошланган вақтдан 72 соатдан кейин қайд этилган; биз ўрганган бошқа қон кўрсаткичлари энг юқори даражада (2-3 баробар) госсиполнинг максимал заҳарли миқдори киритилган вақтдан 48 соат ўтгач ўзгариб борган. Госсиполни 1000 мг/кг тана вазнига нисбатан олган ҳайвонларда ўрганилган қон кўрсаткичларини меъёрлаштириш учун икки ҳафталик давр етарли эмас. Турли лаборатория ҳайвонларининг организмга ошқозон ичида кўрсатадиган таъсири жихатидан госсипол ўткир токсикометрия параметрлари бўйича мўътадил хавфли бирикмаларга (хавфлиликнинг III-синфи) мансублиги аниқланди. Турга хос сезувчанлик 4,1 га тенг.

Госсипол оқ каламушлар ошқозони ичига бир маротаба киритилганда қуйидаги илмий асосланган миқдорлар ўрнатилди: заҳарли - 1000 мг/кг, бўсағавий - 100 мг/кг ва бўсағаости (таъсир кўрсатмайдиган) - 10 мг/кг. Препаратнинг ўткир таъсир кўрсатиш ҳудуди 27,3 га тенг, яъни госсипол кенг заҳарли таъсир ҳудудига эга.

Оқ сичқонларда ўтказилган ўткирости тажрибада госсиполининг заҳарлилик мезонлари сифатида физиологик, клиник ва биокимёвий кўрсаткичларнинг бутун бир қатори хизмат қилган, уларни таҳлил қилиш госсиполнинг организмга заҳарли таъсирининг айрим патогенетик механизмларини



баҳолаш имконини беради. Ўткирости тажрибада оқ каламушлар учун ўртача ўлим миқдори 1781,4 мг/кг га тенг эканлиги аниқланган. Госсиполнинг кумуляция коэффициенти 0,65 даражада белгиланган, яъни госсипол кумуляциянинг яққол ифодаланган даражасига мансубдир.

Оқ каламушларнинг госсипол ўткирости киритилгандаги тана вазни динамикаси тажриба ҳайвонларида ушбу кўрсаткичнинг назорат гуруҳига нисбатан ишончли тарзда пасайиши яққол кузатилади. Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ҳайвонлар танасининг вазни ўртасидаги фарқ кузатишнинг биринчи ҳафтасидан бошлаб аҳамиятли миқдорларга етган ( $P < 0,05-0,001$ ).

Госсиполни ошқозон ичига ўткирости киритишда оқ каламушларнинг «норка рефлекси» ни ўрганиш орқали унинг тажрибанинг 2-ҳафтасидан бошлаб у тугагунга қадар анча сусайиши аниқланган, бунда тажриба ҳайвонларида мазкур кўрсаткичнинг назорат ҳайвонларига нисбатан 4 баробар пасайиши қайд этилган (3 минут ичида тирқишга қараш 2 га қарши 8 марта бўлган).

